



ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Халқаро миқёсидаги илмий анжуман материаллари тўплами

Сборник материалов международной научной конференции на тему
**ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
МАРКЕТИНГОВЫХ КОНЦЕПЦИЙ В ПОВЫШЕНИИ
ЭФФЕКТИВНОСТИ СТРАТЕГИЙ ДЕЙСТВИЙ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

Collection materials of the international scientific conference on
**PROBLEMS OF USING MARKETING CONCEPTS IN
IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF ACTION
STRATEGIES IN UZBEKISTAN**

УЎК: 339.5:339.138

КБК: 65.290-2

Н50 «Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси самарадорлигини оширишда маркетинг концепцияларидан фойдаланиш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари тўплами. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. – 564 б.

ТАХРИР ХАЙАТИ

Гуломов С.С., и.ф.д., проф, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги.

Маматкаримов О.О., ф.м.ф.д., проф.

Солиев А., и.ф.д., проф.

Бекмуродов А.Ш., и.ф.д., проф.

Болтабоев М., и.ф.д., проф.

Фаттахов А., и.ф.д., проф.

Хошимова Д.М., ф.ф.д.

Мазкур илмий тўпламда, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнини таҳлил этишга ва унинг самарадорлигини янада оширишда маркетинг концепцияларидан фойдаланишга қаратилган, етук хорижий ва мамлакатимиз олимлари, вазирликлар, йирик корхоналар раҳбарлари ҳамда докторант, магистрлар ва талабалар тадқиқотлари натижалари бўйича маъруза матнлари ёритилган.

Мазкур халқаро илмий анжуманга киритилган маъруза тезисларининг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъберий ҳужжатлар санасининг түргилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдорлар.

УЎК: 339.5:339.138

КБК: 65.290-2

ISBN 978-9943-13-803-2

© “Iqtisod-Moliya”, 2019

- дальнейшее укрепление участия Департамента внешнеэкономических связей, инвестиций и торговли, Департамента демонополизации и развития конкуренции и Торгово-промышленной палаты для привлечения иностранных инвестиций в сектор.

Использованная литература и сайты:

1. Майкл Мескон, Майкл Альберт, Франклин Хедоури «Основы менеджмента».
2. Ахмаджон Солиев ва Зиёдулла Ҳакимов “Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари” маколаси
3. Ҳикоят Исраилова «Фаргона вилоятида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашда агроФирмаларнинг ўрни» маколаси
4. В Узбекистане приняты меры по ускоренному развитию плодоовощеводства/ <https://www.uzdaily.uz/ru/post/36802>
5. Развитие сельскохозяйственного сектора в I полугодии 2018 г. <http://mineconomy.uz/ru/node/2246>
6. В Узбекистане создадут 100 плодоовощных кластеров/ <https://mir24.tv/news/16318015/v-uzbekistane-sozdadut-100-plodoovoshchnyh-klasterov>
7. Статистическое агентство РУз составлено информацией 2017 года (www.stat.uz)

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОГИДА АГРОКЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА САМАРАСИНИ ОРТТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

О.С.Казаков,

и.ф.н., доцент

И.Махкамов,

и.ф.н., доцент

Л.Убайдуллаев,

и.ф.н., доцент

Наманган мухандислик технология институти (НамМИ)

Аннотация ҳозирги даврда ва истиқболда агрокластерларни ривожлантириши орқали аҳолининг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириши масалалари таҳлил қилинган.

Таяинч сўзлар: иқтисодиёт ва унинг ривожланиши, агрокластерлар, мева-сабзавот кластерлари, экспорт, худуднинг экологик аҳволи, инвестициялар, замонавий технологиялар.

АННОТАЦИЯ Проанализированы вопросы обеспечение потребностей населения путем развития агрокластеров в настоящее время и в будущем.

Ключевые слова: экономика и ее развития, агрокластеры, кластеры в овоще-фруктовых отраслях, экспорт, экологическое состояние региона, инвестиции, современные технологии.

Иқтисодиёт ривожининг ҳозирги даражасида кластерларни ташкил этиш масаласи тобора долзарблик қасб этмоқда. Ҳозирги вақтга қадар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш ва уни қайта ишлаш ҳамда сақлаш алоҳида-алоҳида хўжалик фаолиятлари бўлиб келган эди. Бу тартибда тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг рақобатбардошлилик даражаси паст бўлиб. соҳада фаолият юритаётгандарнинг иқтисодий қизиқишлари даражаси юқори эмас эди. Эндиликда турли соҳаларда, жумладан тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида кластерлар ташкил этилмоқда. Қишлоқ хўжалигига ҳам кластерларни ташкил этишга ҳаракатлар бошланмоқда. Кластерларни ташкил этиш масаланинг бир томони бўлса, бу фаолият билан шугуулланувчи ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш ва уларда тайёрланган маҳсулотлар рақобатбардошли бўлишига эришиш ўта мухим масалардан ҳисобланади. Бугунги кунда иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилишда, стратегик мухим роль ўйнайдиган инновация лойихаларини амалга ошириб, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, хусусан унинг маҳсулдорлиги даражаси бўйича етакчи мамлакатлар даражасига чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатдошлилик даражасини ошириш орқали экспортбоп маҳсулотлар етишириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга катта эътибор қаратилади. Ҳаракатлар стратегиясининг 3-йўналиши иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш, қайта ишлаш ва сақлаш масалаларининг мухимлиги ажратиб кўрсатилган. Унда кўп тармокли фермер хўжаликларини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилган. Фермер хўжаликлари нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш билан, балки етиширилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада қайта ишлаш ва зарур пайтгача сақлаш масалалари билан ҳам шугууланишлари самарали эканлиги кўрсатиб берилган. Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада ривожлантириш ҳамда либераллаштиришга оид белгиланган чора-тадбирлар рўёбга чиқарилиши, ўз навбатида, мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини юксалтиришда мухим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушки 17

фоиздан ортмаслигини Президентимиз ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаларида таъкидлаб ўтдилар. Ушбу мурожаатномада мамлакатимизда аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми 10 фоизга ҳам етмаслиги, холбуки, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортикроқни ташкил этиши кўрсатиб ўтилди. Бу борада мамлакатимизда мева-сабзавот этиштириш ва уларни сақлашга аҳамият қаратиш зарурлиги белгиланди. Табиат томонидан берилган неъматларни сақлаш муҳим аҳамиятга эгадир ва барча мутахассисларнинг қазифасидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6-январдаги “2017-2018 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни янада чукурлаштириш ва уларни сақлаш бўйича кувватларни барпо этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-2716 рақамли қарорида мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланган.

Ривожланган хориж мамлакатларида этиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга ва қайта ишлаб кейин сотишга эътибор қаратилади. Мамлакатимизнинг айрим худудларида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга кўймасдан, мева-сабзавот ҳолича сотилмоқда. Масалан, Намангандеги вилоятининг Янгиқўргон тумани мева-сабзавот маҳсулотлари этиштиришга ихтисолаштирилган туманлардан ҳисобланади. Туманда 2018 йилда узум, олма, ловия,, аччик қалампир, хурмо, куритилган гайноли экспорт қилинди (1-жадвал). Туман бўйича 16200 тонна ҳажмдағи мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиниши натижасида 5614 минг доллар тушумга эга бўлинган бўлса, туман бўйича фақатгина “Yangiqo’rgon Agro Invest” масъулияти чекланган жамияти томонидан мева концентрати тайёрланиб экспорт қилинди.

1-жадвал

Янгиқўргон туманида 2018 йилда экспорт қилинган саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмлари

№	Корхоналар номи	Ҳажми, тонна	Сумма, доллар
Саноат маҳсулотлари			
1	“Yangiqo’rgon Agro Invest”МЧЖ (Мева концентрати)	295	264,3
Мева-сабзавот маҳсулотлари			
1	ЯТГ “Камалов Абдумаликхўжа”	6682	2315,7
2	“Local Healthcare” МЧЖ	4807	1666,0
3	ЯТГ “Мукаррамов Сайдиданвар”	1160	402
4	ЯТГ “Мусабоев Абдулазиз”	903	312,9
5	ЯТГ “Абдуллаев Рахимжон”	848	293,9

6	ЯТТ “Асилбекова Ирода”	509	176,4
7	“Green Valley Export” МЧЖ	298	103,3
8	“Янгикўргон Шароб” МЧЖ	252	87,3
9	ЯТТ “Хўжамбердиев Абдугаффор”	208	72,1
10	ЯТТ “Халилов Иброхим”	127	43,9
11	“Руслан Транс” МЧЖ	125	43,3
12	“Барака Мусаффо” ф.х.	80	27,8
13	“Янг Фортуна Логистика” МЧЖ	61	21,1
14	ЯТТ “Эргашева Маъмурахон”	61	21,0
15	“Умарбек Фрутс” МЧЖ	45	15,5
16	“Тиллахон” ХК	29	10,0
17	“Гросс Интер Холдинг” МЧЖ	6	2,0
	Жами:	16200	5614
	Умумийси:		5925

Изоҳ: Жадвал Наманган вилоят Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

2-жадвалда вилоятнинг Янгикўргон туманида 2019 йилда экспорт амалларини бажариш дастури маълумотлари келтирилган. 2019 йили туманда 34169 минг долларли маҳсулотлар экспорт қилиниши режалаштирилган бўлиб, унинг фақатгина 700 минг долларлиги қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари ташкил этади. Колган 33468 минг долларлик экспорт асосан мева-сабзавотлар ҳисобига амалга оширилади. Бу жами экспортнинг 97,95 фоизини ташкил этади.

2-жадвал

Янгикўргон туманида 2019 йилда мева-сабзавот ва саноат маҳсулотларини экспортга йўналтириши

№	Ташкилот номи	Экспортга йўналтирилган маҳсулот номи	2019 йилги прогноз, Минг доллар
1	Valley Fresh Fruits МЧЖ	Мева-сабзавот	2000
2	Шарқона замин мева савдо МЧЖ	Мева-сабзавот	2500
3	Янги фортуна логистика МЧЖ	Мева-сабзавот	4000
4	ЯТТ Камалов Абдумаликхўжа	Мева-сабзавот	3500
5	Namangan food agro ф.х.	Мева-сабзавот	3500
6	Султонбек Сабрина боғлари ф.х.	Мева-сабзавот	500
7	ЯТТ Асилбекова Ирода	Мева-сабзавот	2000
8	Yangiqo'rgon Agro Invest МЧЖ	Саноат	700
9	Гросс Интер Холдинг МЧЖ	Мева-сабзавот	2500
10	ЯТТ Эргашева Маъмурахон	Мева-сабзавот	3000
11	Наманган Индастри Груп МЧЖ	Мева-сабзавот	2000
12	BARAKA MUSAFFO ФХ	Мева-сабзавот	3000
13	Янгикўргон шароб савдо ИБУК	Мева-сабзавот	2500
14	Умарбек Фрутс МЧЖ	Мева-сабзавот	1800
15	Мўъжиза Агро Саноат ШК	Мева-сабзавот	700
	Жами		34168

Мева-сабзавот		33468
Саноат маҳсулоти		700
Жами:		34168

Изоҳ: Жадвал Наманган вилоят Янгиқўргон туманининг ривожланиш дастури асосида тайёрланди.

Тайёрлананаётган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга кўйиш билан, уларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот кўринишига келтириб сотилса, олинадиган даромад ҳам ортади, кўшимча иш ўринлари яратилади, самарали фаолият йўлга кўйилади. Бунинг учун туманда мева-сабзавот тармоғида агрокластерларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ташкил этиладиган агрокластерлар кишлоп хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда экспорт қилиш билан шуғулланадиган тармоқлар йиғиндинисидан иборат бўлади. Мева-сабзавотчилик тармоғидаги агрокластерларнинг асосий ва муҳим вазифаси - аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳалқ истеъмоли товарларига бўлган эҳтиёжларини тўларок қондиришдан ҳамда соҳада фаолият юритаётган ташкилотларнинг самарали фаолиятини йўлга кўйишдан иборат.

Ушбу вазифанинг ечими қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириши кўпайтириш билан бир қаторда етиштирилган ҳосилни сақлаш ва қайта ишлашни ҳам самарали тарзда ривожлантиришни талаф этади. Агрокластерлар худди шу масала билан шуғулланадиган инфратузилмадир. Агрокластер – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона бир занжирга бирлаштирувчи, юкори технологик инновациялардан фойдаланиш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташки бозорларда ракобатбардошлигини ошириш, қишлоқ худудларида инфратузилма мажмуини шакллантириш ва ривожлантириш, аҳоли бандлиги даражаси ва даромадларини ошириш ҳамда келажакда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва экологик муҳитни яхшилашда фаолият юритадиган хўжалик юритиши субъектларидан таркиб топиши мумкин. Агрокластерлар қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш, қайта ишлаш ва сотишни шунчаки қўшиб олиб боришинигина назарда тутмайди. Агрокластерлар бу ишларни амалга оширишда мутлақо янги турдаги тизим бўлиб, уларда юкори технологик инновациялардан фойдаланиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташки бозорларда ракобатбардошлигини ошириш ҳамда ушбу маҳсулотлар етиштириладиган ва қайта ишланадиган худудларда экологик муҳитни яхшилашга эришилади. Агрокластерларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларида уларнинг сифати бузилишининг олдини олинади. Қишлоқ хўжалигида агрокластерларни жорий этиш орқали маҳсулотларни ташиш ва сақлаш жараёнларига хизмат киладиган инфратузилма тизими шаклланади.

Мева-сабзавотчилик агрокластерлари олдида турган бу каби вазифаларни самарали равишда бажарилиши катта микдордаги

инвестицияларни талаб этади. Бунинг учун мамлакатимизда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган, экспортбоп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш учун уларга чет эл инвестицияларини жалб этиш кўламини ошириш талаб этилади. Чет эл инвестициялари жалб қилиш орқали қишлоқ жойларга мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишловчи янги замонавий техника, ускуна ва технологиялар кириб келиши ва кўплаб қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилишига замин яратади. Бу эса ўз навбатида вақтинчалик бўш ишчи кучларини янги иш билан таъминлаш, янгидан-янги сифатли, рақобатбардош, замон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар мева-сабзавотчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

Мева-сабзавотчилик кластерларининг самарали бўлиши кўп жиҳатдан уларни замонавий ускуналар билан жиҳозланиши ҳажмига боғлиқ бўлади. Кичикроқ ҳажмдаги агрокластерлар таркибидағи корхона ва ташкилотлар маҳсулот ҳажми камлиги, молиявий маблағлар ҳажми чекланганлиги каби омиллар таъсирида яхши жиҳозланмаган ва кичикроқ сақлаш тизимиға эга бўлиши мумкин. Бу эса уларни самарали бўлиши йўлида тўсиқ бўлиги мумкин. Шу сабабли, мева-сабзавотчилик тармоғида агрокластерларни ташкил этишда юкорида кўрсатиб ўтилган масалаларни ҳал қилишни инобатга олган холда режалаштириш лозим бўлади.

Мамлакатимизда ташкил этилиши мўнжалланаётган мева-сабзавотчилик тармоғидаги агрокластерларининг самарали фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида қўйидагиларни тавсия қиласиз:

- 1) етишириладиган мева-сабзавотчилик маҳсулотлари микдорини кўпайтириш, рақобатбардошлилик даражасини ошириш ва ассортиментини яхшилаш;
- 2) ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавотчилик маҳсулотларининг таннаҳи паст бўлишини таъминлаш;
- 3) мева-сабзавотчилик агрокластерларида меҳнат унумдорлигини юксалтириб бориш;
- 4) мева-сабзавотчилик кластерларида фойдаланиладиган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг беҳуда сарф бўлишини олдини олиш;
- 5) мева-сабзавотчилик агрокластерлари ташкил этилган худуднинг экологик ахволини яхшилаш;
- 6) мева-сабзавотчилик кластерларининг фаолиятини экспорт салоҳиятини оширишга йўналтириш.

Мева-сабзавотчилик соҳасидаги агрокластерлар мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етишириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга турли кўринишларда етказиш бериш билан боғлиқ бўлган ташкилий, иқтисодий ва технологик масалаларни ягона тизим доирасида мувофиқлаштириш имконига эга бўлиши улар фаолиятини ривожлантиришга ҳам кенг имкониятлар беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони Тошкент, 2017 йил 7 февраль “Наманган ҳақиқати” газетаси, 2017 йил йил 11 февраль № 12 (19321)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Наманган ҳақиқати” газетаси. 2017 йил 23 декабрь, № 102 (19411)
3. F.A.Саматов ва бошқалар – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти – Дарслик. Т.: “Чўлпон” 2012 й.
4. O.S.Kazakov Improving the management activity of the fruit and vegetable industry enterprises. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. 2018,12.

FOREIGN EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES FOR CLUSTERING IN PROVISION OF ECONOMIC GROWTH

R.S.Kholikova
PhD. researcher
Tashkent State University of Economics

Currently, innovation and research is a key factor in achieving new goals and creating healthy competition in all areas. The tasks of formation of the structuration mechanisms and increasing efficiency, realization of integrated agro-industrial organizational and production structures require the systematic and complex solution. In particular, the reforming of the agricultural sector on the basis of the effective application of modern methods and technologies gives significant results. Indeed, the growth of national competitiveness, increasing the efficiency of domestic enterprises in the global and domestic markets is the goal of economic policy of any state. Foreign experience shows that the cluster approach is recognized globally as a policy of improving the competitiveness of both the national and regional economies.

In his speech at the official meeting of the parliament, the President of our country emphasized that Uzbekistan sees the future of cotton growing in a cluster method by covering all processes: from cotton cultivation to the production of finished products. As he mentioned in his report speech to Oliy Majlis: “Today we decided to create 48 cotton-textile clusters in order to reach high indicators in harvesting raw cotton at minimum 52 % with the help of cluster method next year. Accepting the fact that clusters are considered as new practice for our economy, it is necessary to revise procedures for governmental support, as well as expanses

И БЎЛИМ. МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРИНИ КЛАСТЕРЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

М.Р.БОЛТАБОЕВ, А.А.ТИЛЛЯХОДЖАЕВ. ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ.....	287
З.АДИЛОВА, Б.ХОНТҮРЭАВ, ТАЛЬИМ КЛАСТЕРИНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА МИНТАҚАВИЙ ТАЛЬИМ КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ: ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ВА БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	290
Р.МУРАДОВ, Н.РЕЖАПОВА. КЛАСТЕР – ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ ..296	
Х.ҚОДИРОВ. “ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК” КЛАСТЕРЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНинг ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	300
Ф.Х. РАХИМОВ, М.Р. РАХМАТОВ, Б.З. ЗАРИПОВ. КЛАСТЕР – ҲЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВДАГИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН МАЖМУАСИ	307
Б.Ш. УСМАНОВ, Ф.Х. РАХИМОВ. ИҚТИСОДИЁТНИ КЛАСТЕРЛАШТИРИШ, ИНТЕГРАЦИЯ ВА ИННОВАЦИОН МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ	312
КОНКИНА В.С., КЛАСТЕРНЫЙ АНАЛИЗ МОЛОЧНОЙ ОТРАСЛИ РЯЗАНСКОЙ ОБЛАСТИ	321
МУРАДОВ Р., М. САЛОМОВА, Ф. РАХИМОВ. ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ	327
R.I.ISROILOV, R.R.KHOJIMATOV. DEVELOPMENT OF SILK INDUSTRY BY CLUSTERING ON THE ENTERPRISES	332
Б.Т.БАЙХОНОВ, КЛАСТЕРЛАРГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТАҚСИМЛANIШИН НОАНИҚ ТҮТПЛАМЛАР НАЗАРИЯСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	340
Н.САДРИДДИНОВА, КЛАСТЕРЫ КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПЛОДОВОЩНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ	344
О.С.КАЗАКОВ, И.МАХКАМОВ, Л.УБАЙДУЛЛАЕВ. МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИДА АГРОКЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛANIШИ ВА САМАРАСИНИ ОРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	348
R.S.KHOLIKOVA. FOREIGN EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES FOR CLUSTERING IN PROVISION OF ECONOMIC GROWTH.....	354
Ғ.А.МАДИЯРОВ, О. Ғ.МАДИЯРОВ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРӢ ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ	358
М.БЕКМирзаев. ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИКЛАРИНИНГ БАРҶАРОР РИВОЖЛАНИШИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	363
ҶАҲАРОВ С. Ф., САРИМСАҶОВ А., МУХТОРЖОНОВА Ф., МАҲМУДОВА Ю., КЛАСТЕР ТИЗИМИНИНГ ИПАКЧИЛИК СОҲАСИДА ШАКЛЛANIШИ МАСАЛАЛАРИ	367
Н.М.ИСЛАМБЕКОВА, Ж.А.АХМЕДОВ, У.Н.АЗАМАТОВ, С.С.ХАЙДАРОВ. ИПАКЧИЛИК ТАРМОҒИДА КЛАСТЕР ТИЗИМИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	373
М.Х.ҒАНИЕВ. АГРАР СОҲАДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИ	377